Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 17 (928) • 2013-yil, 26-aprel, juma

# Фракция муҳокамасида

## янги қонун лойиҳалари

**Қонун ижодкорлиги**

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида сайловчилар манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.



**Собир ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, фракция раҳбари:**

— Мамлакат ривожи, юрт равнақи ҳар жиҳатдан етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Шу боис ҳам мустақил Ўзбекистонда илм-фанга эътибор, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятга эга етук инсон бўлиб вояга етиши учун ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу борада амалга оширилаётган амалий ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳам эртанги кун эгаларининг тақдири билан боғлиқ десак, адашмаган бўламиз. Бугунги кунгача амал қилган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалавриат ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканлигини кўрсатди.

2 ➤

**«Обод кўнгил — обод юрт» танловига**










# Қишлоқ қурилиши: буюк ғоя, эзгу ташаббус

**Муносабат**

Ҳар гал хизмат сафари билан қишлоқларимизда бўлганимда, албатта, бир янгиликнинг устидан чиқаман. Бир жойда маҳалла гузари қурилган, тоза ичимлик суви келтирилган, бошқа бир жойда ҳовли тўйи ўтказилаётган, кимдир янги уйига кўчиб кираётган ёки тадбиркорлардан бири янги савдо уйининг қурилишини бошлаётган, маҳалла оқсоқолларини йиғиб, фотиҳа олаётган бўлади. Кўзни қувонтирадиган, дилни яйратадиган бу ўзгаришларга гувоҳ бўлар эканман, ёшлигимда бўлган бир воқеани эслаб кетаман.

...Ўшанда айни баҳор эди. Ёғин-сочин кунлари бўлишига қарамай, Султонмурод тоға қўлига кетмонни олиб, уйининг томини оча бошлади. Эски, шарти кетиб, парти қолган гувалак иморат эмасми, деворлари осонгина қулаб тушди.

Икки хонали пастқам уйда тоғанинг ота-онаси, улардан аввал бобо-момолари яшашган, шу жойда тўртта боласи катта бўлди, ҳали шу чоққача бировдан уй тўғрисида бир гап эшитмаган одам, келинининг бир оғиз нордон гапига чидамай, икки хона эмас — бирваракайига олти хона, бу ҳам озлик қиладигандай, дарвозахонанинг тепасини бўлмали болахона қилиб қура бошлади.

Тоға жаҳл устида олти хонали уйни бошлаб қўйишга қўйдию, тўрт-беш йилда ҳам битира олмади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-қадрдонлар ҳашар қилиб, топган-тутганларини олиб келиб чарчашди, аммо уй битмади. Уй эгалари кейинги икки-уч қишни қорасувоқ қилиб қўйилган торгина даҳлизчада ўтказишди. У пайтлари қишлоқ қурилиши билан шуғулланадиган бирор бир ташкилот йўқ эди, ҳамма ўз ҳолича ҳаракат қиларди.

Ёшлигимда бўлган бу воқеани эслаётганимнинг боиси бор, албатта. Бугун бутун мамлакат улкан қурилиш майдонига айланди, хусусий уй-жой, маданий-маиший бинолар, спорт-соғломлаштириш комплекслари қурилиши кенг кўламда давом этмоқда.

2 ➤

# Сиёсий фаоллик ва ижтимоий масъулият

## “Аёллар қаноти” аъзолари фаолияти мезони

**Сиёсий ўқиш**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, вакиллик органлари фаолиятида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.



3 ➤



# Илғор ғоя ва технологиялар намойиши

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI Республика ярмаркаси ўз ишини бошлади**

4 ➤

**Депутат аралашувидан сўнг...**



# Сайловчилар ишончи оқланмоқда

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати Абдукарим Дўстбоев жамоатчилик қабулхоналарида ва меҳнат жамоаларидаги учрашувларда энг аввало, одамларнинг фикрини ўрганади. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олади...

Депутат ташаббуси билан эни тўрт, узунлиги ўн метрлик кўприк бир ҳафта ичида қишлоқнинг иккита катта кўчасини туташтирди.

4 ➤

# “Электрон ҳукумат”:

## моҳияти ва имкониятлари

Замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадларни ташкил этади. Бугунги кунда мазкур стратегик мақсадларга эришишни ахборот технологиялари ривожисиз ҳаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Шу жиҳатдан, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари, давлатлар ўртасида тобора кучайиб бораётган рақобат олдимизга ахборот технологиялари соҳасида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда.




5 ➤

# Қишлоқ қурилиши: буюк ғоя, эзгу ташаббус

Давоми. Боши 1-бетда




ЎзА суратлари

Шаҳардагина эмас, қишлоқларда ҳам замонавий лойиҳа асосида пишиқ-пухта, барча қулайликларга эга, отаси қурганини ўғли, ўғли қурганини набираси бузиб, янгилайдиган вақтинчалик иморат тарзида эмас, бир сулоланинг бир неча авлоди роҳат-фароғатда яшайдиган, кексалар, ўғил-қизлар, набиралар учун алоҳида хоналар, қулай ошхона, меҳмонхона ва бошқа имкониятлари билан, маҳаллий шароитга мослаб қурилмоқда. Янада муҳими, қишлоқларимизда нафақат уй-жой, шу билан бирга, шаҳар шароитини эслатувчи маданий-маиший, тиббий хизмат шохобчалари, маҳалла гузари, мактабгача тарбия, спорт-соғломлаштириш муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар ҳам қад ростламоқда, элюртимизнинг ризқ-насибаси бўлган боғ-роғлар яратилмоқда. Фермерлик ҳаракати тобора фаоллашиб бораётир.

Собиқ тузум оғир меҳнат юкини қишлоқ аҳли елкасига юклади, деҳқону чорвадор, боғбону сувчи эртадан кечгача даладан чиқмади, юзи офтобда қорайиб, қўли қабариб ишлади, аммо меҳнатига яраша рўшнолик кўрмади, уй-жойини яхшилаш орзуси орзулигича қолиб кетаверди. Қишлоқларни ободонлаштириш, қурилишни режалаштириш, лойиҳалаш, бошқариш, деҳқонларга бу борада амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида бирор ташкилотнинг жиддий бош қотирганини, бу хусусда бирор ҳужжат қабул қилинганини эслай олмайман. “Қишлоқда уй қурсанг, қирқ йилда ҳам битмайди”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳамма ўз ҳолича, ўз билганича, қурбига қараб иш тутар, томи тупроқ билан ёпилгани учун бундай “иморат”лар икки-уч йилдаёқ чаккага бўкиб, ўтириб қоларди Буниси ҳам майли, умумий, ягона лойиҳа бўлмагани учун уйлар бетартиб, чалакам-чатти жойлашар, қўни-қўшнилар ўртасида асаббузарлик, араз-дараз ҳам бўлиб турарди. Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада пойтахтимизда бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, қишлоқ қурилиши авваллари “деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчалик авж олган эди... Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланилиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди”.

Давлатимиз раҳбарининг истиқлолимизнинг дастлабки кезларидаёқ қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриш ҳамда томорқа учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги тарихий Фармони, қишлоқ қурилишини аниқ режа асосида олиб бориш, дала меҳнаткашларининг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш, қишлоқларимизга кичик саноат корхоналарини олиб кириш, маданий-маиший хизмат соҳасини тубдан яхшилаш, ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги кўрсатмалари бу номутаносибликни тўғрилашга йўл очди. Бугун биз истиқлол йилларида мамлакатимизда, жамиятимизда, одамларнинг турмуш тарзи, фикри-зикри ва дунёқарашида юз берган ўзгаришлар тўғрисида гапирар эканмиз, ижтимоий-маънавий қиёфаси янгиланган, бу жараён изчиллик билан давом этаётган қишлоқларимизни фахр билан тилга оламиз. Пойтахтда ўтказилган анжуманда иштирок этган кўплаб хорижий меҳмонлар давлатимиз раҳбарининг қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатига юксак баҳо беришди. Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш дастурини “буюк ғоя, ибрат олишга молик эзгу ташаббус”, дея баҳолади, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги модели минтақадаги, умуман, дунёдаги бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўла олишини айтиб ўтди.

Анжуман қатнашчиси, италиялик меҳмон Лучио Аскини журналистлар билан мулоқотида ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда Ўзбекистонда нафақат шаҳарлар, балки қишлоқлар қиёфаси ҳам замонавийлашиб бораётганидан, қишлоқ одамлари бугунги кунидан мамнун, эртанги истиқболга қатъий ишонч билан яшаётганидан ва уй-жойларнинг имтиёзли кредит ҳисобига арзон нархларда қурилаётганидан ҳайратга тушганини яширмади. Буни тушунса бўлади, чунки, молиявий-иқтисодий таназзул давом этаётган, йирик, бой-бадавлат мамлакатлар ҳам бу тангликдан чиқиш, иқтисодни издан чиқармаслик борасида бош қотираётган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриш учун кредит ажратиш, уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш режаси кўпларни ҳайратга солиши табиий. Биргина мисол. Бугун қишлоқларимизда қад ростлаётган янги уй-жойларнинг қиймати шаҳардаги баҳога нисбатан икки баробар паст. “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқларимизда уй-жой қураётган кишиларга 677 миллион АҚШ доллари миқдорида ипотека кредитлари берди. Шу йиллар ичида 159 та қишлоқ туманларида 650 та янги уй-жой массиви қуриб, фойдаланишга топширилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди, улар учун 1,2 миллиард доллардан зиёд инвестициялар йўналтирилди. Шу рақамларнинг ўзиёқ Ўзбекистонда халқ фаровонлигини таъминлаш, халқимизга, айниқса қишлоқ меҳнаткашларига ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳавас қилса арзигулик турмуш тарзини яратиб бериш Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий сиёсатнинг барқарор ва изчиллигини, халқчил руҳини кўрсатиб турибди.

Қишлоқ обод, деҳқон бой бўлса, мамлакат обод, давлат бой, дастурхон тўкин бўлади. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари иқтисодий ва бошқа танглик ҳолатларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш ҳисобига иқтисодий ўсишни тиклашга муваффақ бўлганлар. Буни қуйидаги рақамдан ҳам билса бўлади: аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошган.

Қишлоқларимизни ободонлаштириш режалари, шубҳасиз, бундан буён ҳам юқори суръатларда давом этади. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусида Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро молия институтлари, ташкилотлар фаол иштирок этмоқдалар. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми қишлоқ жойларида истиқомат қилади, мустақиллик йилларида қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан ортиқ ёш оила пайдо бўлди, уларнинг сони ҳар йили 150 мингтага кўпаймоқда. Демакки, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, турмуш маданиятини юксалтириш, бу ерда якка тартибда уй-жой қуриш борасида узоқ йиллар давомида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш, йилдан-йилга такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

“Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ”, дейишади. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқ ҳаёти фаровонлигини таъминлаш, оилаларнинг мустаҳкамлигига эришиш, жамият ҳаётида маҳалла ва бошқа ўз-ўзини бошқарадиган жамоатчилик ташкилотлари ролини кучайтириш борасидаги Давлат дастурларининг бажарилиши самаралари бугун ҳаётимизда, турмуш тарзимизда, мустақил фикримизда ҳамда мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузида ўз ифодасини топмоқда. Оддий меҳнат кишиларига нисбатан ғамхўрлик юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб, уларнинг янада фаровон келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

**М. АҲМЕДОВ**

Республикамизнинг барча ҳудудларида қурилаётган турар жойлар массивларида ижтимоий соҳа объектларидан ташқари, саноат корхоналари ҳам ишга туширилаётганлиги чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзининг яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

# Истиқлолнинг обод манзиллари



Жиззах вилоятида 2009 йилда намунавий лойиҳалар асосида 60 та уй қурилган бўлса, жорий йилда бу миқдор салкам 6 баробарга ортиб, 550 тани ташкил этади. Ушбу рақамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами ва халқимизнинг қулай шарт-шароитларга эга уй-жойларда яшашга бўлган иштиёқи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, сўнгги 3-4 йил ичида қишлоқларимиз жамоли бутунлай ўзгача қиёфа касб этмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида аҳолининг талаби ва дидига мос келадиган кўркам уй-жойлар қад ростламоқда. Ўтган давр мобайнида вилоятдаги 12 та туманда 1115 хонадонга мўлжалланган ана шундай уйлар бунёд этилди.

— Аҳолининг замонавий уйларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси вилоят филиали директори Шуҳрат Раҳимов. — Мазкур уйларга буюртма берган аҳолининг яшаш шароити бекаму кўст бўлиши учун махсус ишчи гуруҳ томонидан камчиликлар вақтида ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилаяпти. Массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига барча қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир қўрғонда намунавий лойиҳалар асосида маиший, савдо, умумий овқатланиш, болалар спорти шохобчалари, умумтаълим мактаби, маҳалла гузари, минибанк, милиция таянч пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бундай шинам уйларга кўчиб ўтиш ҳар бир қишлоқ аёлининг орзуси, — дейди Ғаллаорол тумани «Мулкуш» ҚФЙ ҳудудидаги замонавий уйлардан бирига кўчиб ўтган уй бекаси Дилором Маматмуродова. — Бугун бизлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шаҳардаги уйлардан кам жойи йўқ.

Жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда қурилаётган 550 та турар жойларда айни кунларда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Ушбу массивларда 16,5 километр ичимлик суви, 9,85 километр электр ва 17,99 километр табиий газ тармоқлари, 15,4 километр автомобиль йўллари ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо қилинади. Бу эса Жиззах аҳолисининг ҳам замонавий шарт-шароитларга эга уйларда яшашга бўлган иштиёқи ортиб бораётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бир бўлаги бўлган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши бунёдкорлик салоҳиятимизни ифода этиш билан бирга, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқ аҳолиси ва ёшларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**М.ИСМОИЛОВ,**
*Жиззах*

# Фракция муҳокамасида
## янги қонун лойиҳалари

Давоми. Боши 1-бетда

Фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этди. Янги қонун лойиҳасига кўра, мамлакатимизда қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш назарда тутилган. Шу муносабат билан қонун лойиҳаси орқали Меҳнат ҳамда Уй-жой кодексларига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда. Олий таълимдан кейинги таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар муносабати билан юқорида номи келтирилган ҳуқуқий ҳужжатлардан «аспирантура» тушунчаси чиқариб ташланмоқда, «докторантура» тушунчаси «катта илмий ходим-изланувчилар институти» тушунчаси билан, «илмий даражалар» тушунчаси эса «илмий даража» тушунчаси билан алмаштирилмоқда. Уни ишлаб чиқиш халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Австралия каби ривожланган давлатларнинг олий таълимдан кейинги таълим тизими қиёсий нуқтаи назардан ўрганилди.

Фракциямиз аъзолари ва экспертлар Президентимизнинг Фармони ва унинг асосида тайёрланаётган қонун лойиҳаси мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ҳамда диссертацияларнинг илмий ва амалий салоҳиятини янада ошириш, бу борадаги ортиқча расмиятчиликларга барҳам бериш имконини яратишга қаратилганини, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизими ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини эътироф этишди.

*«Суд тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Чунки мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасидан аввал фракция жойларда соҳа мутахассислари, олимлар, экспертлар иштирокида қатор тадбирлар ташкил этди, тизимдаги қонунчилик таҳлил этилди, жамланган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



Қолаверса, судьялар меҳнатининг моддий таъминотига эътибор қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳимоясининг кучайтирилишини Ўзбекистон «Адолат» социад-демократик партияси ҳам қўллаб-қувватлайди. Чунончи, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш тарафдори эканини дастурида белгилаб олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Судлар фаолиятини янада таъкомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака Комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши мамлакатимизда суд тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжатлар соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариб, тизим ходимларининг масъулиятини, айни пайтда ижтимоий ҳимоясини янада оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида судьяларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бир қатор нормалар таклиф этилмоқда.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**фракция аъзоси:**

— Қонун лойиҳасида судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича талаби 25 ёшдан 20 ёшгача, юридик соҳада иш стажининг уч йилдан беш йилгача кўтарилиши, судьяликка номзодларнинг ўқиши мобайнида, уларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг сақланиб қолиниши каби қатор нормаларни назарда тутилиши бу албатта, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунишида, одил судловни амалга оширишда, шунингдек, умумэътироф этилган принципларга мос келадиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, судьялар корпусининг сифатини янада яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур қонун лойиҳаси судлар мустақиллигини янада ошириш ва суд тизими ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтиришга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимига тавсия этиш ишларини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Феруза ОМОНОВА,**
**фракция аъзоси:**

— Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва тотувликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш долзарб вазифа бўлиб, бунда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб моҳиятида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассам. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан ўрин олган.

Шунингдек, фракция аъзолари *«Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ҳамда *«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»*ги қонун лойиҳаларини ҳам биринчи ўқишда муҳокама этишди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
«Adolat» мухбири

# Сиёсий фаоллик ва ижтимоий масъулият

## “Аёллар қаноти” аъзолари фаолияти мезони

Давоми. Боши 1-бетда

Бугун республикада қарийб 323 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоён этаяпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хотин-қизларнинг салмоғи 22 фоизни, Сенатда 15 фоизни ташкил қилмоқда.

Ушбу жараёнларда аъзоларининг 48,9 фоизини ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари умумий сонининг деярли ярмини аёллар ташкил этаётган Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ҳам муносиб ўрни бор. Хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни партия ўзининг устувор дастурий вазифаларидан бири, деб эълон қилган.

Партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан “Аёллар қаноти” Кенгаши томонидан “Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар қаноти” вакиллари сиёсий фаоллигини оширишнинг ташкилий масалалари” мавзуида ўтказилган икки кунлик сиёсий ўқишда мазкур масалалар юзасидан атрофлича мулоҳаза юритилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар қаноти”нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари, партия фаоллари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон “Олима” аёллар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган мақсад партия “Аёллар қаноти”нинг аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича ишларини амалий жиҳатдан ташкил этиш, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ва партия дастурий вазифаларининг бажарилишида “Аёллар қаноти” фаоллигини янада кучайтиришдан иборат бўлди.

Сиёсий ўқишнинг биринчи кунида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки департаменти бошлиғи А.Сайфуллаевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг имкониятлар яратишда банк тизимининг тутган ўрни”, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси илмий-ахборот маркази катта илмий ходими Ш.Содиқованинг “Сиёсий етакчи имижини шакллантириш масалалари” мавзуларидаги маърузалари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири М.Дадаходжаева бугунги кунда партия “Аёллар қаноти” томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бериб, уларнинг фаолияти юзасидан вилоятлар кесимида қиёсий-таҳлилий маълумотларни тақдим этди. Ҳудудий партия кенгашларининг “Аёллар қаноти” фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланиб, “Партиянинг оқила аёли — 2013” республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Сиёсий ўқишнинг иккинчи куни ҳам қизиқарли ва сермазмун бўлди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров жойлардаги ижтимоий масалаларни бартараф этишда аёлларнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни турли ёт ғояларга эргашишдан қайтариш, тўй маросимлари ва маъракаларни дабдабаларсиз ўтказиш, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик масалаларида аввало, хотин-қизларнинг масъулиятини ошириш ва бунда аёллар жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидаги янги талабларни тўғри англашлари лозимлигини таъкидлади. Бу жараёнда «Аёллар қаноти» фаоллари ушбу қатлам орасига янада чуқурроқ кириб бориб, уларнинг ижтимоий онги ва сиёсий савиясини оширишлари, маҳалла институти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “Нуроний” жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ННТлар билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлиги юзасидан ўз тавсияларини берди.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов “Хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий онгининг етуклиги — сиёсий фаолликни оширишнинг зарур шарти сифатида” мавзусида маъруза қилиб, бугунги кунда сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгартишларга батафсил тўхталиб ўтди. Сайлов жараёнларида аёллар фаоллигини янада ошириш юзасидан ўз тавсияларини билдирди.

Иштирокчилар маърузачилардан ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар ҳамда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари М.Нишонова, О.Ахунова, Ф.Омонова ва К.Ҳамидова партиянинг «Аёллар қаноти» фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини баён қилдилар.

Сиёсий ўқиш сўнггида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар қаноти” Кенгаши раиси:***

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳаётга бўлган қизиқиши, дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда. Айниқса, аёлларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Биргина сўнгги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганлиги фикримиз далилидир.

Шу ўринда хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аёлларимиз онгига чуқурроқ сингдириш сиёсий партиялар, хусусан, «Адолат» СДП олдида турган долзарб масалалардан биридир. Аъзоларимизнинг деярли ярмини хотин-қизлар ташкил этаётган экан, ушбу масалага янада масъулият билан ёндашиш, бунда ҳудудий партия ташкилотларининг, «Аёллар қаноти» фаолларининг иштирокини таъминлаш лозим.

Хусусан, аёллар масаласига доир дастурий вазифаларимиздан келиб чиқиб хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш баробарида, қишлоқ аёлларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, қўлида ҳунари бор аёллар ва ёш қизларга касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ўз оиласи фаровонлигини оширишларига кўмаклашиш олдимизда турган долзарб масалалардандир. Бунда «Аёллар қаноти»нинг ҳар бир фаоли жонбозлик кўрсатиши, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида ўзининг амалий ишлари, ташаббуслари билан фаол иштирок этмоғи зарур.

**Раҳбархон МУРТАЗАЕВА,**
***«Олима» аёллар уюшмаси раиси, тарих фанлари доктори, профессор:***

— Илм-фанни ривожлантириш, илмий муассасалар фаолиятини давр талабига мос равишда такомиллаштириш, илғор инновацион ғоя ва технологияларни ҳаётга татбиқ этишга катта аҳамият берилаётган бир пайтда ўз ҳаётини илм-фан билан боғлаган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, самарали изланиш олиб бориши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш муҳим, албатта.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 6 нафар академик аёллар, 500 нафарга яқин фан доктори, қарийб 4800 нафар фан номзоди — олималар фидокорона меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонлик олима аёлларнинг кимё, полимерлар кимёси, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги, биокимё ва бошқа соҳалардаги илмий изланишлари йирик хорижий илмий марказлар томонидан юксак баҳоланмоқда.



Ⓕ Ҳусан АСРОРОВ

Хусусан, Ҳалимахон Алимова, Дилфуза Эгамбердиева, Барно Султонова каби олима аёлларимизнинг илмий изланишлари халқаро ташкилотлар ва илмий марказлар томонидан эътироф этилди.

Шу ўринда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бунинг учун маҳаллаларда кичик кутубхоналар ташкил этиш, қишлоқ аёлларининг турмуш юмушларидан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари учун зарурий шароит яратиш лозим. Зеро, она қанчалик интеллектуал салоҳиятга эга бўлса, бу фарзандларининг таълим-тарбиясида ўз аксини топади.

Аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаётган «Адолат» СДПнинг “Аёллар қаноти” фаолиятини янада жонлантириш учун юқори салоҳиятли олима аёлларни партия ишларига яна ҳам кенгроқ жалб этиш зарур, деб ўйлайман.

**Феруза РАХМАТУЛЛАЕВА,**
***Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари:***

— «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши, тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этилган. Ўзбекистоннинг репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани бу борада юртимизда амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самараларининг халқаро эътирофидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ ўсмир қизлар, туғруқ ёшдаги аёллар бир йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган хасталиклар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Ҳомиладор аёлларни таркибида инсон организми учун зарур моддалар мавжуд поливитаминлар билан бепул таъминлаш амалиёти юксак самара бераяпти. Ҳар йили қишлоқ жойлардаги 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлга ана шундай шифобахш воситалар етказилмоқда. Бунинг натижасида аёлларда экстрагенитал касалликлар кўрсаткичи, оналар ва гўдаклар ўлими уч баробар камайди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда ўтказилаётган тарғибот ишларида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий ташкилотлари билан йўлга қўйилган фаол ҳамкорлик тадбирларимизнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган “Соғлом она — соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш каби вазифаларни амалга оширишда ҳам партиянинг соғлиқни сақлаш муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолларининг биз билан ҳамкорлиги жуда муҳим, деб ўйлайман.

**Сурайё МАНСУРОВА,**
**Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши “Аёллар қаноти” раиси:**

— Ушбу икки кунлик сиёсий ўқиш бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлган маърузачилардан ўзимиз учун керакли барча маълумотларга эга бўлдик. Қолаверса, ННТлар билан ҳамкорликда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар юзасидан муҳим йўналишларни ҳам белгилаб олдик. Эндиликда бу ерда олган билим ва тажрибаларимизни ўз ҳудудимизда амалиётга татбиқ этамиз.

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,**
***Ўзбекистон «Адолат» СДП Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири:***

— Жамиятни демократлаштириш ва сиёсий янгиланиш жараёнлари изчил давом эттирилаётган айни пайтда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англашларига кўмаклашишда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлик гуруҳларидан, ҳудудий партия ташкилотларидан катта масъулият талаб этилади. Бунда, айниқса, «Аёллар қаноти» фаолларида етакчилик сифатини шакллантириш, иш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш уларнинг аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришлари ҳамда электоратни ўйлантираётган муаммоларни англаш ва уларга ечим топишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳудудий «Аёллар қаноти» фаоллари жойларда учрашувлар ўтказиш учун маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ва БПТ фаоллари билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйишлари зарур.

Қолаверса, ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўладиган бўлғуси сайловларга хотин-қизлар орасидан муносиб номзодларни тайёрлаб бориш ҳамда партиямизнинг бу борадаги позициясини мустаҳкамлаш ҳам «Аёллар қаноти» зиммасидаги бирламчи вазифалардандир.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

Давра суҳбати

Изчил ислоҳотлар жараёнида бош мақсад — аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш устувор ўрин тутади. Чунки фуқаролик жамияти қуришда қабул қилинаётган қарорлар ва қабул қилинаётган қонунларга нисбатан аҳолининг дахлдорлик ҳисси ошмас экан, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

# Юксак ҳуқуқий маданият

## ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш гарови



Мустақилликнинг ўтган деярли 22 йилида эришилган ютуқ ва тажрибалар эндиликда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий негизларини ислоҳ этишга, фуқароларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб, янги сиёсий меъёрлар ҳамда янги қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда.

Табиийки, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ичида инсон ҳуқуқлари ва маданияти, эркинлиги масалалари ва уларнинг ечими борасида ўзининг аниқ позициясини билдирган сиёсий партия Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳисобланади.

Яқинда Навоий давлат педагогика институтида «Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ўрни» мавзуида ташкил этилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, партия ва маҳаллалар фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Исмоил Саифназаров партия инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўзининг ижтимоий шериклари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга ҳаракат қилаётганлигини, бу фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш имконини бераётганлигини таъкидлади. Бу борада партия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Экологик ҳаракат, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Партия раҳбари давра суҳбати иштирокчиларига партия электорати манфаатларини янада самарали ҳимоя этишга, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган бир қатор қонун лойиҳалари хусусида маълумот берди. Хусусан, ҳозирда Юртбошимиз Фармойиши билан Самарқанд ва Бухорода ҳуқуқий эксперименти ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдукамол Раҳмонов “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, дастур доирасида қабул қилиниши кутилаётган қонунларнинг аҳамияти ва ёшларга оид давлат сиёсати” мавзуида маъруза қилди.

“Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида хотин-қизларнинг ўрни ва роли” мавзуида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова тадбир қатнашчилари ҳузурида чиқиш қилди ва йиғилганлар эътиборини вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги вазифаларга қаратди.

Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой бўлди. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга партия Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси депутатларидан атрофлича жавоб олдилар.

Тадбир сўнггида партияга янгидан қабул қилинган бир гуруҳ навоийликларга Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Худди шу куни Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилояти Кенгашининг VIII Пленуми ўтказилди. Унда “Навоий вилоятида замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш тўғрисида”, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг 2012 йил ва 2013 йилнинг биринчи чорагида партия дастурий вазифалар ижросини таъминлашда амалга оширган фаолияти юзасидан ҳисобот” ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилояти Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш каби ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП**
Навоий вилояти Кенгаши
Матбуот хизмати

# Илғор ғоя ва технологиялар намойиши

**унда янги, юқори самарали технологиялар, инновацион ишланмалар, материаллар, машиналар, препаратлар ва бошқа илмий ҳажмдор маҳсулотларни яратишга имкон берувчи саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, информацион технологиялар, фан ва маориф соҳаларидаги инновацион ва илмий-техник лойиҳалар ҳамда ишланмалар намойиш этилмоқда**



Ⓕ Ҳусан АСРОРОВ

Давоми. Боши 1-бетда

Ўтказилган бешта анъанавий ярмаркалар доирасида икки мингдан зиёд илмий ишланма, ихтиро ва технология ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва фермерларга тақдим этилиб, умумий молиявий ҳажми 44,7 миллиард сўм бўлган 1545 та шартномалар имзоланди. Натижада корхоналарда 480 миллиард сўм ҳажмда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 19 номдаги янги маҳсулотларни серияли ишлаб чиқариш бошланди, 24 та шартнома доирасида маҳсулотларни саноат-тажриба асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

VI Республика ярмаркаси ҳам ўтган йилларда тўпланган тажриба асосида ташкил қилинмоқда. Бу йил ярмаркада 100 дан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструкторлик ташкилотларнинг 550 га яқин технология ва ишланмалари намойиш этилмоқда.

Ярмаркада қатнашаётган ишланмаларнинг 100 га яқини ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган ишланмалар бўлиб, улар кўргазманинг алоҳида «Технологиялар трансфери» бўлимида намойиш қилинмоқда.

Шунингдек, ярмаркада ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига ва инновация фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари ва “Келажак овози” республика танлови ғолибларининг 74 та ишланмаси ҳам тақдим этилмоқда.

Хусусан, ёш олимлар ишланмалари бўлимида намойиш этилаётган Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти мустақил тадқиқотчиси Ойбек Икромовнинг Саноат чиқиндиларидан ёғ олиш технологияси Ўзбекистон шароитида биринчи марта жорий этилаётган бўлиб, унинг ёрдамида буғдой муртагидан олинадиган ёғ тиббиёт, косметология ва озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган, четдан импорт асосида олиб келинадиган маҳсулотларнинг ўрнини босади.

Инновацион ярмаркада вазирлик ва идоралар миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, фермер хўжаликлари, Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

— Марказимиз томонидан яратилган 20 дан ортиқ чет тилини ўргатишга мўлжалланган электрон ахборот таълим ресурслари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори ўринбосари Козим Ғофуров. — Мутахассисларимиз томонидан мактаб ўқувчилари учун 100 дан ортиқ турли фанларга доир электрон мультимедиа дарсликлар яратилган бўлиб, ярмаркада энг янги ишларимиз ҳавола этилмоқда. Яна шуни алоҳида айтиш лозимки, биз тақдим этаётган электрон мультимедиа ресурсларни фойдаланувчилар вазирликнинг www.eduportal.uz ахборот таълим портали ва расмий веб-сайти www.uzedu.uz ҳамда Марказнинг расмий www.multimedia.uz сайтлари орқали текинга кўчириб олиб, фойдаланишлари мумкин.

Ярмаркада намойиш этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жаҳон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Бу ерда нафақат яратилган технологиялар бўйича шартномалар тузиш, балки реал иқтисодиёт тармоқлари вакилларини янги ғоялар ва лойиҳалар билан таништириш ҳам кўзда тутилган. Уларни амалда жорий этиш учун олимлар ва хўжалик юритувчилар ўртасида тўғридан-тўғри кооперация алоқаларини ўрнатиш, хомашё ва молия ресурслари, тажриба учун ишлаб чиқариш базаси зарур. Ярмарка давомида ўтказиладиган янги ғоялар ва лойиҳалар тақдимотлари, давра суҳбатлари, семинарлар бундай алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси инновацион маҳсулотлар яратиш кўламини кенгайтириш ва уларнинг ички ва ташқи бозорга чиқишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, олимлар томонидан ишлаб чиқилаётган инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмалар, илғор технологиялар, яратилаётган янги қурилмалар ҳамда рационализаторлик таклифлари кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Бу ишлаб чиқаришни илмий асосда ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликни янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши қошидаги «Истеъдод» клубида яратилган биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси макетининг такомиллаштирилган намунаси инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI Республика ярмаркасида намойиш этилмоқда. Қурилма макети ярмаркада иштирок этган кўплаб хорижий ва мамлакатимиз тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотаётгани бизни қувонтиради, албатта.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради.

«Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика»ни жорий этиш партиямизнинг «Обод турмуш йили»да фаол иштирокини таъминлашга қаратилган 2013 йилдаги фаолиятининг устувор вазифасидир. Ана шундай ҳаётбахш дастурий вазифа ижроси йўлида дастлабки қадам қўйилди. Ўзбекистон «Адолат» СДП ёшларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш орқали энг яхши инновацион лойиҳаларни аниқлаш мақсадида «Ёшларнинг энг яхши инновацион лойиҳалари» Республика кўрик-танловини эълон қилди.

Айтиш керакки, кўрик-танлов «Энг яхши инновацион лойиҳа» номинациясида амалга оширилади. Танлов икки босқичда — вилоят ва республика босқичларида ўтказилади. Вилоят босқичи ғолиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Кўрик-танловда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар ва тадқиқотчилар, ташкилот ва корхона ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Албатта, мазкур танлов ёшларда инновацион фикрлашни шакллантиришга, улар ихтироларининг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашади.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
раиси

## Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

### СУРХОНДАРЁ

**Вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Жарқўрғон туманида «Обод юртим — озод юртим» мавзуида маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, МФЙ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир тумандаги энг намунали маҳалла фолларининг кўргазмали чиқиши билан бошланди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда дастурда белгиланган вазифалар, унинг асосида қабул қилиниши кутилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ҳамда белгиланган вазифалар ижросида партия фаоллари иштироки ҳусусида маълумот берилди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси С.Ҳамидова. — Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида вилоятимиз тобора обод, турмушимиз фаровон бўлиб бормоқда. Ҳаётимиздаги бундай ўзгариш ва юксалишлар жойларда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирларга ўзгача маъно-мазмун бахш этмоқда.

### ЖИЗЗАХ

**Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ва уни ифлосланишдан ҳимоя қилиш ҳамда экологик муаммоларини ҳал этиш йўли билан фуқаролар саломатлигини сақлаш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида алоҳида ўрин эгаллайди.**

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, партиямиз Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва бу борада кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни атроф-муҳитни асраб-авайлаш, уларнинг табиатга бўлган муносабатини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар қаноти» ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги таълим муассасаларида «Атроф-муҳит тозалигига барча масъул» шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

— Экологик муаммоларни ҳал этишда кенг жамоатчиликка таяниш жуда тўғри йўлдир. Биз қачонки ҳар бир оилага бу тушунчани сингдира олсак, шундагина кўзланган мақсадга эришамиз, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар қаноти» раиси Қ.Раззоқов.

### ФАРҒОНА

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашида бошланғич партия ташкилотлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлаш ва белгилаш масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

— Маҳаллалардаги фаолиятимизни янада кучайтиришда БПТ фаоллиги муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Н.Шодиев — Қуйи ташкилотлар фаолиятига етарлича эътибор қаратилмас экан, партиянинг ҳудудий ва вилоят Кенгашларида ишлар кўнгилдагидек бўлмайди, аъзолар сон ва сифат жиҳатдан ошмайди.

Тадбирда ана шундай ҳолатларга чек қўйиш, масъулият ва ташаббускорликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

# Сайловчилар ишончи оқланмоқда

**Депутат аралашувидан сўнг**

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати Абдукарим Дўстбоев жамоатчилик қабулхоналарида ва меҳнат жамоаларидаги учрашувларда энг аввало, одамларнинг фикрини ўрганади. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олади. Зарур бўлса, бу тўғрида давлат ҳокимияти органларини хабардор қилиш ҳамда масаланинг ечимини топишга кўмаклашишни бурчи, деб ҳисоблайди.

Баҳор серёғин келди. Бештол қишлоғи ҳудудидан ўтадиган сой ва ариқларда бир неча бор сел оқди. Улардан бири сой кўпригини олиб кетди. Оқибатда аҳолига қийинчилик туғилди. Фуқаролардан МФЙ раиси Исмоилжон Исоқов номига ариза тушди. Маҳалла оқсоқоли ўз навбатида муаммодан депутатни хабардор этди.

Депутат ташаббуси билан эни тўрт, узунлиги ўн метрлик кўприк бир ҳафта ичида қишлоқнинг иккита катта кўчасини туташтирди.

Ёки Боғистон қишлоғидаги коллеж жамоасининг мурожаатини олайлик. Педагоглар ҳамқишлоқлари номидан туман марказига автобус қатновини йўлга қўйиш масаласини кун тартибига киритдилар. Депутат вазиятни ўрганди, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Маълум бўлишича, йўналишдаги хусусий такси машиналарининг хизмати бирмунча қиммат.

Депутатнинг “Ўздарётранс” агентлиги вилоятдаги бўлинмаси раҳбарларига йўллаган сўровидан сўнг муаммо ҳал бўлди. Чортоқ-Боғистон-Чортоқ йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди. Замонавий “Исузу” автобуслари аҳоли узоғини яқин қила бошлади...

Абдумажид Бурҳонов Оралиқ қишлоғида яшайди. Касби ҳайдовчи. Жамоатчилик юмушларида ҳам фаол.

— Мен депутатимиз билан тез-тез учрашиб тураман, — дейди у. — Ҳамқишлоқларим буни яхши билганларидан ўз талабларини каминага айтиб турадилар. Аввалги йили янги турар-жой даҳасидаги кўчаларга шағал ётқизишда ёрдам сўрашди. Аҳолининг бу талабини Абдукарим Дўстбоевга етказдим. Масала ўз ечимини топди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Чортоқ туман кенгаши раиси Ҳабиба Мирабдуллаеванинг айтишича, депутат партиявий ишларни йўлга қўйишда, дастурий ғоя ва вазифалар тарғиботида ҳам доимо ҳамкор. Турли тадбирларни ўтказишда бош-қош.

— Сайловда Абдукарим Дўстбоев номзодини кўрсатиб, хато қилмаган эканмиз, — дейди Ҳ.Мирабдуллаева. — Депутат сифатида сайловчиларнинг ҳам, партиямизнинг ҳам ишончини оқламоқда.

— Депутатлик одамлар билан бир ҳаводан нафас олиш, уларнинг турмуш тарзидан доимо хабардор бўлиш, муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топишда ёрдамлашиш демакдир. Тўғри, бу вазифани уддалаш осон эмас, лекин ҳар сафар у ёки бу масала ҳал этилгандаги қониқиш туйғуси ҳар нарсадан улуғ, дейди депутат.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот хизмати котиби

# Табиатнинг биологик фаол мўъжизаси

**Янгилик**

Иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш марказий ўрин тутади, албатта.



Дарҳақиқат, муайян соҳани модернизацияламасдан туриб, бугунги давр талабларига муносиб бўлиш мушкул. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш омилларидан бири ўсимлик ривожига экологик соф таъсирларни оқилона қўлланиш ҳисобланади. “TBS Group” компанияси томонидан ишлаб чиқилган “ЎзГУМИ” биоўғити худди ана шу мақсадни амалга оширишга мўлжалланган. Икки-уч йиллик муттасил изланиш маҳсули бўлган мазкур препарат бугунги кунда мамлакатимизнинг бир қанча вилоятлари далаларида синовдан муваффақиятли ўтди. Биоўғит самарадорлигини аниқлашда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти, Суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинлар институти ҳамда Ўзбекистон сабзавот-полиз ва картошкачилик институти мутахассислари иштирок этишди.

“ЎзГУМИ” биоўғитининг қўлланиш натижалари таҳлилидан маълум бўлишича, ушбу восита татбиқ этилган жойларда етиштирилган пахтанинг 80-93 фоизи биринчи навларга баҳоланган. Наманган вилояти далаларида ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики, биоўғит ишлатилган пайкалларда назорат майдонларга нисбатан ғўза 10,7 фоиз эрта гуллаб, кўсаклар 10,5 фоиз барвақт очилган. Янгилик жорий этилган далалардаги экинларнинг турли касалликларга чидамлилик даражаси ошган.

Маҳаллий шароитда ишлаб чиқилган биоўғит республикамизда илгари қўлланиб келаётган ва четдан валюта эвазига келтирилган “Гумимакс”, “Эдагум СМ” препаратларидан кимёвий таркиби ва хусусиятлари жиҳатидан устунлиги, нархининг уч баравар арзонлиги, импорт ўрнини босувчи, энг муҳими, тўлиқ маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқарилаётганлиги билан афзалдир. “ЎзГУМИ” табиий стимулятор сифатида ўсимликларнинг қурғоқчилик, шўрланиш, иссиқ ва совуққа чидамлилигини ошириши билан ҳам аҳамиятли.

Наманган туманидаги “Абдураҳим бобо” фермер хўжалигида 31,5 гектар майдонда буғдой етиштиришда ўсимлик туплаш фазасида гектарига 0,3 литрдан, найчалаш даври бошида 0,4 литрдан биоўғитнинг сувли эритмаси пуркалган. Ўсимлик бошқа далалардагига нисбатан 5-6 кун эрта етилган, буғдой поясининг бўйи 11-13 см. баланд бўлган, ҳар бошоқда дон сони 4-5 та кўпни ташкил этган. Ҳосилдорлик 69,9 центнерга етган.

“ЎзГУМИ” биоўғити мамлакатимиз далаларида кенг қўлланиши пахта, ғалла, сабзавот экинларидан баракали ҳосил олиш имконини беради. Бу янгиликни ҳаётга татбиқ этиш қишлоқ хўжалиги экинлари рақобатбардошлигини ошириш ва фермер хўжаликлари даромадини кўпайтиришда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Шомурот ШАРАПОВ**

**Суратда:** *“ЎзГУМИ” биоўғити цехида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Набижон Сайбердиев (ўнгда) “TBS Group” компанияси вакили Аҳмад Юсупов билан.*
**Муаллиф олган сурат**

Айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўловчилари ҳисобланадилар. Бундай фаолият турлари ва уларни тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

# Солиқ қонунчилиги амалда

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятлари доирасида қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда қуйидаги тўловларни амалга оширадилар: божхона тўловлари; ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда — сув солиғи; акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда — акциз солиғи; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; давлат божи; автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

**Омон ТУРСУНХЎЖАЕВ,**
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ
Жисмоний шахсларни солиққа
тортиш бўлими бошлиғи
ўринбосари

# “Электрон ҳукумат”:

## моҳияти ва имкониятлари

Давоми. Боши 1-бетда

Бугунги тараққиёт негизида авваламбор, ахборот технологиялари турганини энг илғор давлатлар ва умуман, дунё тажрибаси мисолида кўриш ва англаш қийин эмас. Айниқса, бизнес аҳли тобора фаол тарзда онлайн усулига ўтмоқда. Ўз хариди ва маҳсулот етказиб бериши билан боғлиқ юмушларни интернет орқали амалга ошираётган компаниялар тобора кўпаймоқда.

Ҳаттоки, давлат бошқарувида глобал миқёсда ахборот технологиялари орқали эришилаётган ютуқларга ақл бовар қилмайди. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат томонидан бериладиган барча рухсат берувчи ҳужжатларни электрон шакл орқали олишлари, хусусан, онлайн усулида якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатга олиш ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш шулар жумласидандир.

Бу ўринда гап «Электрон ҳукумат» тизими ҳақида бормоқда. Мазкур тизим — ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат хизматлари ҳамда давлат органларининг фаолияти натижалари тўғрисида ахборот олиш (алмашиш) тезкорлиги ва қулайлигининг сифат жиҳатдан янги даражасини таъминловчи давлат органларининг фаолиятини ташкил қилиш шакли ҳисобланади.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш жараёнларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат хизматларидан тезкор фойдаланишларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни таъминламасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Шунинг учун ҳам Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига урғу қаратди.

Маълумки, «Электрон ҳукумат» тизимининг мазмун-моҳияти **биринчидан,** инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқи ва эркинлиги, **иккинчидан,** фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, **учинчидан,** барча давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришдек конституциявий мажбуриятни электрон тарзда таъминлашни ўзида мужассам этган бўлиб, бу демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади. Унинг энг асосий ютуғи масофани қисқартириши, қоғозбозликнинг олдини олиши, бугунги тезкор ривожланаётган замонда ишни қисқа вақт сарфлаб, тез ҳал қилиш, коррупциянинг олдини олишга йўналтирилганлигидадир.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги ўн йилда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги тарихий Фармони ахборот-коммуникация технологияларини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидаларни белгилаб берди.

Шу билан бирга демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга, хусусан, тизимнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган **11** та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг **40** дан ортиқ қарорлари ва **300** дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, «Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмасини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида» (2003), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” (2004), “Электрон тижорат тўғрисида” (2004), “Электрон тўловлар тўғрисида”ги (2005) қонунлар мазкур тизимнинг комплекс қонунчилик асосларини яратишга кенг имконият яратди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто энг ривожланган давлатлар бўлмиш АҚШ, Австрия, Германия, Франция, Японияда ҳам «Электрон ҳукумат» тизимининг юқоридагидай комплекс қонунчилик асослари етарли эмас.



Барчамизга маълумки, «Электрон ҳукумат» тизими даражасини янада такомиллаштириш халқаро интернет тизимига кенг миқёсда уланиш билан бевосита боғлиқдир. Бу борада ҳам охирги йилларда ҳавас қилса арзийдиган ўзгаришлар рўй бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳон интернет тармоғидан фойдаланувчилар ўн миллиондан ошгани кувонарлидир.

Мамлакатимизда интерактив давлат хизматларини аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. 2007 йилдаёқ **49** та Базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланди. 2009 йилда у **94** тага кенгайтирилган бўлиб, ҳозирда эса **195** дан зиёд кўринишни қамраб олди.

Жорий йил 1 июлдан эса яна 23 та хизмат бу реестрга қўшилиб, унга кўра эндиликда стационар телефон тармоғи хизматларига уланишга оид, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилишга оид, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, божхона брокери мақомини олишга доир мурожаатларни, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темирйўл компаниясидан тегишлича самолёт ва поезд билетларини брон қилиш ва реализациясини амалга ошириш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш, бўш иш ўринлари топиш кабиларни электрон йўл билан амалга ошириш имконияти туғилади. Ҳатто буларнинг айримлари ҳозирда ишлаётганлиги ҳам сир эмас. Халқимизда “Янгилик яратар бир киши — баҳраманд бўлар минг киши” деган серҳикмат нақл мавжуд. Шу ўринда айни ишларни амалга ошириш учун кишининг қанча вақти, транспорт харажатлари кетишини, турли оворагарчиликларни бир тасаввур қилиб кўрайлик. Ҳозирда бу ишларни уйингиздан туриб ҳам қисқа муддатларда амалга ошириш мумкин бўлмоқда.

Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу — электрон ҳужжат айланиши тизими бўлиб, уни амалиётга муваффақиятли жорий қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 майда қабул қилинган «Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилишда муҳим омил бўлди. Унинг ижроси доирасида «UNICON.UZ» давлат шўъба корхонаси томонидан вазирлик ва идоралар ягона ҳимояланган «e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиши тизимига уланди. Бугунги кунда мазкур тизимга 150 ташкилот, жумладан, давлат ташкилотлари уланган.

«Электрон ҳукумат» тизими авваламбор, давлат, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳуқуқига эга эканлигини белгиловчи конституциявий тамойилнинг яққол ифодасидир. Тизим давлат бошқарувини демократлаштиришга, унинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, давлат органлари фуқароларнинг оғирини енгил қилишга, аҳоли ва бизнес вакилларининг давлат хизматидан фойдаланишда турли инстанцияларга қатнашни ва давлат хизматчилари билан бевосита мулоқотда бўлишни истисно этиб, аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга, турли хил ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга, тадбиркорлар фаолиятини анчагина енгиллаштиришга, иқтисодиётнинг ўсишига, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди

---

**Дастурий вазифа ижроси**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз дастурида мамлакатимизда инновацион турдаги иқтисодиётни ташкил этиш, уни ривожлантиришда фаол иштирок этишни дастурий вазифа сифатида белгилаган.

# Нақдсиз электрон тўловлар

## замонавий пул айланмасининг ажралмас қисмидир

Инновация турдаги иқтисодиёт ҳақида гап кетганда банк пластик карточкалари афзаликлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бугун дунёда банк пластик карточкалари орқали бажариладиган нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулга бўлган талабни камайтиради, улар айланишини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг VIII Пленуми «Қорақалпоғистон Республикасида нақд пулсиз пластик карточкалар орқали савдо сифатини янада оширишда партия ҳамда депутатлик гуруҳи иштирокини янада кучайтириш тўғрисида»ги масалага бағишланганини партия дастурий вазифаларини бажаришда олиб бораётган амалий ишларини яна бир карра исботлади.

— Қорақалпоғистонда ҳам пластик карточкалар бугунги кунда энг қулай тўлов воситасига айланди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Р.Отарбаев. — Фуқаролар ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз савдони осонгина амалга оширишмоқда. Лекин баъзи ҳудудларда фаолият юритаётган савдо шохобчаларида тўлов терминалларини бекитиш, устама нархлар қўйиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шунинг учун биз жамоатчилик, айниқса, депутатлик назоратини кучайтирмоғимиз лозим.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорларининг ҳудуддаги ижроси таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида нақд пул тушумига эга мижозларнинг савдо шохобчалари сони 5831 тани ташкил этса, улардан 5440 тасига терминаллар ўрнатилган. Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 12 та жойга банкоматлар ва 35 та жойга инфокиосклар жойлаштирилган. Республика бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 535751 тани ташкил этади.

— Депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 2012 йил мобайнида ўз сайлов округларида 36 маротаба, жорий йилнинг биринчи чорагида 12 маротаба учрашув ташкил этилиб, уларда 15 мингдан ортиқ сайловчилар иштирок этишди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Н.Қайпбергенов. — Учрашув тадбирлари давомида сайловчилардан тушган мурожаатларнинг 35 таси айнан банк пластик карточкалари билан боғлиқ масалалардир. Шу боис депутатлик гуруҳимиз «Замонавий нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, ҳудудда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиш» масаласини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишга тайёрламоқда.

**Ўзбекистон «Адолат»СДП**
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

---

# Ахборот ҳаққонийлиги

## ва ўз вақтида тақдим этилиши учун шахсий масъулият ҳокимият ҳамда бошқарув органлари фаолиятида очиқликни таъминлашнинг муҳим шарти

**Ҳуқуқий эксперимент**



Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши муносабати билан навбатдаги семинар ташкил этилди. Тадбирда ҳуқуқий экспериментни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича шу пайтгача амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Мухбиримиз семинар қатнашчиси — вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси Сулаймон Ҳусаинов билан қонун лойиҳасининг айрим моддалари ва уларни амалиётда қўллаш самарадорлиги хусусида суҳбатлашди.

***— Кундалик фаолиятда фуқаролар, айниқса, тадбиркорлар энг кўп мурожаат қиладиган ёки шундай заруратни ҳис этиб турадиган давлат идораси Ахборот хизмати раҳбари сифатида таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг ижобий жиҳатлари, ҳуқуқий экспериментнинг моҳияти ҳақида қандай фикр айта оласиз?***

— Қонун лойиҳаси ва унинг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг, фуқароларни давлат ишларида фаол иштирок этишга ундашнинг тўлақонли амалий ифодасидир. Эътибор беринг: давлат ўз фаолиятида очиқликни таъминлаш, қабул қилинажак қарорлар, белгиланаётган тадбирлар тўғри бўлиши, тараққиётимизга ва кенг халқ оммаси манфаатларига мос келиши учун фуқарони хабардор қилаяпти, унга ўз фикрини баён этиш имкониятини яратаяпти. Ёки фуқаронинг давлат идорасига йўлланган сўрови бўйича аниқ муддатларда жавоб бериш хусусида ўз зиммасига тегишли мажбурият ва жавобгарлик масъулиятини олаяпти. Ахборотнинг ҳаққонийлиги учун бошқарув идоралари раҳбарларининг шахсий маъсулиятини назарда тутадиган моддаларни таклиф этаяпти. Бу Ўзбекистонда демократик давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг амалий исботи эмасми.

Қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент «субъекти» сифатида танланган Самарқанд вилоятида давлат бошқаруви идоралари ва фуқаролар ушбу босқичда биргаликда ҳаракат қилишнинг ҳуқуқий-ташкилий асосларини тобора аниқроқ ўзлаштириб олмоқдалар. Қонун лойиҳаси нормалари маҳаллий давлат органлари фаолияти очиқлиги ва бу ҳақдаги ахборотлардан ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли кенг хабардор бўлишини таъминлашга қаратилган қоидалар самарадорлигини аниқлаш, уларга амалий ишлов бериш бўйича зарур тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳокимиятининг WWW.-Samarkand.uz веб сайти ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув идораларининг бошқа расмий сайтлари қонун лойиҳасида белгиланган зарур ахборотлар билан тўлдирилмоқда. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан тушаётган сўровларни ўз вақтида олиш учун вилоят ҳокимлигининг Ахборот хизмати давлат портали фуқароларнинг электрон модулига улашганидан ҳам хабар топдик. Табиийки, вилоят ҳокимлиги вилоятдаги бошқарув идораларининг барчасидан, шу жумладан, Давлат солиқ бошқармасидан қонун лойиҳасининг синови муваффақиятли ўтиши учун ташаббускорликни кутаяпти.

***— Демак, солиқ соҳасида ахборот хизматини халққа янада яқинлаштириш, бу борадаги маълумотлар манбаининг очиқлигини таъминлаш учун жиддий киришилган, деб айтмоқчисиз...***

— Ҳеч истисносиз шундай. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, давлат солиқ органлари тизимидаги Ахборот хизмати мамлакатимизда шу йўналишдаги мавжуд хизматларнинг илк қалдирғочларидан. Аниқроқ айтганда, республика давлат солиқ идораларида ахборот хизмати Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ташкил этилган. Ўтган вақт мобайнида хизмат кўрсатишда тажрибамиз ошиб, бугунги кунда давлат ва жамият ўртасида ўзига хос ишончли кўприкка — такомиллашган ахборот бериш манбаига айланди, десак муболаға бўлмас.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси экспериментдан ўтиб, амалиётга жорий этилса, ахборот хизматининг мақсад-вазифалари янада ойдинлашиб, бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги кўпроқ даражада таъминланган бўлади.

Бугун яратилаётган имкониятлар солиқ идорасининг Ахборот хизмати фаолиятига янги туртки берди, дейиш учун қуйидаги маълумотларни келтирмоқчиман. Давлат Солиқ қўмитасида махсус электрон сайт мунтазам ишлаб турибди. Ана шу сайтда Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг ўз саҳифаси бор. Мазкур саҳифадаги маълумотлар мунтазам янгиланиб борилмоқда. Бундан ташқари, солиқ тизимида ташкил этилган 20 га яқин интерактив хизматлар ахборот олишда ва тарқатишда ҳозиржавоб ҳамда ишончли манбага айланган.

***— Қонун лойиҳасининг қайси жиҳатлари ахборот олиш кафолатларини мустаҳкамлайди?***

— Қонун лойиҳасининг 15-моддасида ахборотни тақдим этиш муддатлари хусусиятларига қараб аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови, агар бошқаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган бўлса, рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида кўриб чиқилиши кўрсатилган. Бу амалиётда шу пайтгача ахборот олиш муддатлари борасида йўл қўйиб келинаётган тушунмовчиликларга барҳам бериши, фуқаронинг талабини тўла қондириши билан аҳамиятлидир.

***— Демак, давлат бошқаруви органлари қатори солиқ идораси Ахборот хизмати маълумот беришда очиқлик, ҳаққонийлик ва аниқ муддат тамойилига таяниб иш тутишини қонун талаб этмоқда. Бу борада эътиборсизлик, лоқайдлик қимматга тушиши мумкин...***

— Худди шундай. Халқнинг муаммосини енгиллаштириш учун масъул раҳбар халқ билан бамаслаҳат, ошкора иш юритиши, одилона қарор қабул қилиш зарур. Ошкоралик бор жойда эса хатога йўл қўйилмайди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

Ҳуқуқ

# Қонун ижодкорлиги босқичларида

## депутатларнинг роли ва масъулияти янада кучайтирилди

**Қонун кучга кирди**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун, аввало, парламент қуйи палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини кучайтиришга, қонун лойиҳаларини фракциялар ва депутатлар гуруҳларида, шунингдек, масъул қўмитада кўриб чиқишнинг барча босқичларини янада батафсилроқ тартибга солишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.



Умид ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Қонунда акс этган нормалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари орқали қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг муҳим тартиб-таомилларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилгандир. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифати, уларда партия электоратининг манфаатлари тўла ва ҳар томонлама акс этиши тўғридан-тўғри фракцияларга боғлиқ. Жумладан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этувчи, тушган лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) амалга ошириши ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш таклиф этилганлиги Қонунчилик палатаси Девони ходимларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини фаоллаштиради, парламент палатаси томонидан қабул қилинаётган қонунлар сифати учун уларнинг масъулиятини ҳам оширади.

Шу нуқтаи назардан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунини парламент қуйи палатаси қонунчилик жараёнининг барча босқичларида демократик асосларни янада мустаҳкамлашга қаратилган, дейиш мумкин.

Қонунда акс этган нормалар қабул қилинаётган қонунлар нормаларида аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш нуқтаи назаридан сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг роли ҳамда масъулиятини кучайтирибгина қолмай, фракциялар томонидан манфаатлари ифодаланаётган сиёсий партияларнинг сайловчилари олдидаги обрўсини оширади, уларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

**... қабул қилинаётган қонуннинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгартиришларнинг мантиқи ҳамда эҳтиёжлари билан, аҳоли ночор қатламларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари билан, пировард натижада, ижтимоий адолат, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлай олади.**

Шунинг баробарида қонунда таклиф этилган нормалар сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳасининг партия электорати манфаатларига дахлдор у ёки бу концептуал қоидаси бўйича ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

Қонунда фракция (депутатлар гуруҳи) томонидан билдирилган нуқтаи назарни кўриб чиқиш ва инобатга олиш мажбурийлиги тўғрисидаги норма киритилди. Ушбу норманинг жорий этилиши қонун лойиҳасини тайёрлашнинг барча босқичларида, палатада ўринлар сони бўйича етакчилик қилаётган ёхуд ўзига қонун лойиҳаси учун масъул бўлган қўмита бириктирилган фракциянинг, шунингдек, барча фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг фикр ва мулоҳазалари инобатга олиниши мажбурий бўлади. Албатта, буни ҳам демократиянинг ажралмас таркибий қисми, дейиш мумкин.

Қонун лойиҳаларини парламент қуйи палатаси томонидан қабул қилиш пайтида, уларни масъул қўмита томонидан барча ўқишларга тайёрлаш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг, албатта, иштирок этиши, ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фракцияларнинг нуқтаи назарларини кўриб чиқишнинг мажбурийлигини назарда тутувчи қўшимча нормаларнинг киритилиши қонуннинг мукаммал бўлишини таъминлайди. Шунингдек, қабул қилинаётган қонуннинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгартиришларнинг мантиқи ҳамда эҳтиёжлари билан, аҳоли энг ночор қатламларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари билан, пировард натижада, ижтимоий адолат, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлай олади.

Таклиф этилаётган Қонунчилик палатаси мажлисларида лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини мажбурий тартибда депутатлар эътиборига етказишига доир тартиб адолат принципига тўлиқ жавоб беради. Қонун лойиҳаси юзасидан уни тайёрлаш жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳлари) томонидан киритиладиган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларнинг, албатта, ҳисобга олинишини назарда тутувчи норма ҳам адолат нуқтаи назардан, дейиш мумкин. Бу эса фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштиради. Шунингдек, уларнинг қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг барча босқичларида палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш имкониятларини ошириш билан бирга, сиёсий партиялар ўз дастурий ҳужжатлари ва сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқишга масъул қўмита билан бир вақтда киришиш ҳуқуқининг фракцияларга берилиши тўғрисидаги нормаларни тўла қўллаб-қувватлади. Чунки бу норма қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида фракцияларнинг иштироки ҳуқуқларини кенгайтиради ва уларга қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш босқичидаёқ ўз фикрларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 13 мартида қабул қилинган, Сенат томонидан 28 мартда маъқулланган ҳамда 18 апрель куни кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тўла қўллаб-қувватлади. Чунки қонунда акс этилган янги нормалар ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кундалик турмушда қонун устуворлиги принципини қарор топтириш ишида муҳим роль ўйнайди.

---

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бир қатор халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳукуматимиз қарорлари ҳамда Давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида бемор ва ногирон болаларни соғломлаштиришга доир лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

# Болалар соғлом улғаяди

Мазкур йўналишда Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Бундан Ча университети госпитали, Сеул Миллий университети, Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа касалликлар билан оғриган ўзбекистонлик бемор болалар бепул соғломлаштирилаяпти.

Жамғарма узоқ йиллардан бери Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари ва университетлари билан ҳамкорликда кенг кўламда фаолият олиб бормоқда.

Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда, замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган "Hyundai" русумидаги мобиль клиникаси ҳам Корея халқаро соғлиқни сақлаш — Доктор Ли Жунг-Вук хотира жамғармаси томонидан "Соғлом авлод учун" жамғармасига тақдим этилди. Бугунги кунда ушбу мобиль клиника ўз фаолиятини Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чекка туманларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Ушбу хайрли ишларни давоми сифатида 20 апрелдан Корея Республикасининг "Junior Chamber International — JCI" ва Ча университети қошидаги Бундан Ча госпитали малакали шифокорлари республикамизга ташриф буюришиб, туғма юрак нуқсони ташхисли бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишмоқда. Ушбу тиббий кўрик натижаларига кўра оғир деб топилган бемор болалар юртимиз ва Корея Республикаси нуфузли клиникаларида соғломлаштирилади.

# Эътиборсиз бўлманг

**Истеъмолчи ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида**

Бир банка томат шарбати сотиб олдим, у аччиқ бўлиб чиқди. Этикеткасида эса на ингредиентлар рўйхати, на яроқлилик муддати, ҳаттоки, ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумотлар ҳам йўқ. Этикеткада қонун бўйича нималар кўрсатилиши керак?

*А.Садриддинова,*
*Янгийўл шаҳри*

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида шундай дейилади: «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи жисмоний ва юридик шахслар, уларни қадоқланган, ўралган кўринишда (барча муносабатлар давомида сифатини ва озиқа қийматини таъминлайдиган) ва қонунчиликка мос равишда маркаланган (белги қўйилган) тартибда чиқаришлари шарт».

Қадоқланган ёки ўралган озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқатга қўшиладиган биологик фаоллаштирувчи қўшимчалар, озиқа қўшимчалари, этикеткалар, суқма-варақаларга эга бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- озиқ-овқат маҳсулотининг номи;
- озиқ-овқат нимага мўлжалланганлиги (маҳсулотларнинг болалар ва парҳез учун ихтисослаштирилганлиги);
- ишлаб чиқарувчининг номи;
- товар белгиси (унга эга бўлган ташкилот учун);
- озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирган ингредиентлар, озиқа қўшимчалари билан бирга номлари;
- озиқа қиймати, нави;
- сақлаш шартлари;
- ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати;
- тайёрланиш усуллари (ярим тайёр ва болаларга мўлжалланган ҳамда парҳез таом маҳсулотлар учун);
- оғирлиги;
- фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар, болалар ва парҳез таомлар учун озиқа қўшимчалари);
- мослик белгиси (маҳсулотларига мослик белгисини маркалаш ҳуқуқи тўғрисида лицензияга эга корхоналар учун);
- меъёрий ва техник ҳужжатлар рақами.

Энди сотиб олинган томат шарбати ёки шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотига келсак, этикеткасида тўлиқ маълумоти бўлмаган ёки этикеткасиз озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмаслик тавсия қилинади. Агар эътибор қилмай олган бўлсангиз, сотувчига сотиб олганлигингиз ҳақидаги касса чекини кўрсатиб, сотиб олинган маҳсулот сифатига ўз эътирозингизни билдирган ҳолда, яроқлилик муддати ўтмаган, тўлиқ маълумотга эга этикеткали бошқасига алмаштириб олишингиз ёки бўлмаса пулингизни қайтариб беришини талаб қилишингиз мумкин.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида, «зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир», деб белгилаб қўйилган.

**Гавҳар САГАТОВА,**
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ижро этувчи аппарати матбуот ва ахборот сектори мутахассиси

---

**Сўранг, жавоб берамиз!**

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари ташкил этиши мумкинми?

*А.Махмудов,*
*Тошкент вилояти*

*Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига асосан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.*

*Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.*

Чет эл инвестицияларини қандай амалга ошириш шакллари мавжуд?

*Б.Юсупов,*
*Андижон вилояти*

*"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:*

*- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;*

*- чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;*

*- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;*

*- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;*

*- концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;*

*- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.*

*Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.*

*"Чет эл инвестициялари" бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.*

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими **Ж.СУЛАЙМОНОВ** жавоб берди.

— Ота-онам менга Холтўра деб исм қўйишган. Лекин туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамда Халтура, деб ёзилган. Айтинг-чи, исмимни ўзгартиришим мумкинми, бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

*Х. Давронов,*
*Чирчиқ шаҳри*

*— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 226-моддасида 16 ёшга тўлган шахслар узрли сабаблар бўлган тақдирда фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириши мумкинлиги белгиланган.*

*Бироқ ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг айримлари кўрсатилган, холос.*

*Жумладан, бундай сабабларга:*

*- агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;*

*- агар фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;*

*- хоҳишга қараб, никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истагининг бўлиши;*

*- оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);*

*- «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир);*

*- ФҲДЁ идораси томонидан узрли, деб топилган бошқа асослар киради.*

*Юқоридагиларга кўра, сиз исмингизни ўзгартириш учун ўзингиз яшаётган ҳудуддаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Саволга Ўрта Чирчиқ туман ФҲДЁ бўлими мудири **Хури ИКРОМОВА** жавоб берди.

— Яқинда газеталардан бирида "Оммавий шартнома" деган иборани ўқиб қолдим. Илтимос шартноманинг бу тури ҳақида маълумот берсангиз.

*Қ.Сафаров,*
*Тошкент вилояти*

*— Оммавий шартнома муайян ташкилот томонидан тузилади. Унда ташкилотнинг ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифалари (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизматлар, меҳмонхона хизмати ва ҳоказо) белгилаб қўйилади. Оммавий шартнома тузишда ташкилот бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).*

*Умуман олганда, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви оммавий шартнома, дейилади.*

Саволга Ангрен ва Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуслари **Барно КАРИМОВА ва Римма ЧУМАРИНА** жавоб берди.

# Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

**«Адолат» шарҳи**

Бугунги кунда дунё аҳолиси сони 7 миллиарддан ошган. Мутахассисларнинг тахмин қилишича, 2050 йилга бориб мазкур кўрсаткич 9-13 миллиардни ташкил этади. Инсониятнинг таом тановул қилиш, энергия манбаларидан фойдаланиш сингари эҳтиёжлари қаторида, уй-жой масаласига бўлган талаби ҳам ўз-ўзидан ортиши табиий, албатта.



Башариятнинг уй-жой билан таъминланиши очлик, атмосферанинг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида юзага келадиган экологик муаммолар ва ҳаттоки, уруш сингари долзарб муаммоларнинг олди олинишига сабаб бўлиши мумкин.

Уй-жой етишмовчилиги масаласига оид бир неча хил баҳсли фикрлар мавжуд. Айрим мутахассислар уй етишмаслиги масаласи юзага келишига зарур манбаларнинг тақчиллиги сабаб дейишса, яна бошқалари уларнинг нотўғри жойлаштирилиши, ҳудудларнинг нотўғри тақсимланишидир, деб ҳисоблашмоқда.

Уй масаласи туғилиш, ўлим каби демографик омилларга боғлиқ. Бугунги кунда дунё бўйича инсонларнинг тиббий саводхонлик даражаси ошиши, оилани режалаштириш ва бошқа шу каби сабаблар туфайли туғилиш сони, унинг коэффициенти даражаси камайиб бораётгани кузатилмоқда. Илмий башоратларга кўра, 2100 йилга бориб, аҳоли сони кўплиги бўйича инсоният тарихида энг кўп миқдорга етади, бироқ ундан сўнг уларнинг сони кескин қисқара бошлайди.

Уй-жой етишмаслиги масаласи ривожланган мамлакатларда ҳам учрайди. АҚШнинг аҳолини рўйхатдан ўтказиш Бюроси томонидан берилган маълумотларга кўра, 2000 йил бошларида мамлакатда турли шароит ва қийматга эга 121,4 миллион уй, хонадонларда 105,9 миллион нафар аҳоли истиқомат қилиб келганди. Уйларнинг 72,7 миллионтаси тўлиқ ёки қисман хусусийлаштирилган бўлиб, 33,2 миллионтаси ижарага берилган. Қолган уй ёки иморатлар турли нархларда уй бозорларида харидорини "кутиб турган" ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун сақланган.

Бу эса ушбу мамлакатда уй-жой муаммоси мавжуд эмаслигини англатмайди. Сўнгги 30 йил ичида АҚШда қиммат бўлмаган уйнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Бу эса ижарада яшайдиганлар сони ва ижарачиларнинг топадиган даромади ошишига олиб келди. Умрида хусусий уйига эга бўлмаган янги авлод юзага келди.

Одатда арзон уй-жойлар ёмон аҳволда, бузиш ёки қайтадан реконструкция ишларини талаб этадиган бинолардир. 70-йилларда Америка халқининг бу сингари уйларга бўлган талаб ва эҳтиёжи деярли тўлиқ қаноатлантирилган бўлса, 90-йиллар охирларига келиб, 7,7 миллион нафар кам таъминланган, ночор оилаларга 4,9 миллионта арзон уйлар тўғри келган.

АҚШ ҳукумати илгаридан ушбу муаммони бартараф этиш йўлларини ишлаб чиққан. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламига ёрдам бериш мақсадида 1937 йилда "Уй-жой Акти" қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ижарада яшайдиган ночор оила ижарачига ижара ҳаққининг 30 фоизини, қолган қисмини эса ҳукумат субсидия (вақтинча қарз бериш) шарти билан тўлаб беради.

Бироқ вақт ўтиши билан уй-жой субсидия шарти ва унинг берилишига муносиб номзодларга қўйиладиган мезонлар ўзгартирилди. National Low Income Housing Coalition (NLIHC) — Кам таъминланганларга уй-жой тақдим этувчи Миллий Коалиция маълумотларига кўра, сўнгги йилларда субсидия олиш ҳуқуқига эга оилалардан учдан бир қисмигина ушбу муассасага мурожаат этмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Американинг бугунги ўртамиёна уйлари 196 кв.м. майдонга эга бўлиб, тахминан 87 фоизи ҳавони иситиш-совутиш мосламаси (кондиционер) билан таъминланган, 58 фоизида бир ёки ундан ортиқ камин печи бор, 52 фоизи икки ва ундан ортиқ қаватли уйлардан иборат.

Аҳоли сони кўплиги уй-жой масаласини янада кескинлаштириши Ҳиндистон мисолида ҳам яққол кўринади. Аҳоли сонининг кўплиги, чекка қишлоқлардан яшаш ва ишлаш учун келадиган фуқароларнинг кўчиб келиши оқибатида жуда кўп инсонлар кўчадаги бекат ва йўл четларида умргузаронлик қилишига тўғри келмоқда.

Кам даромадли оилалар уй-жой билан таъминланишида мамлакатдаги молиявий ташкилотлардан — "Уй-жой ва шаҳар тараққиёти Давлат корпорацияси", "Уй-жой Миллий банки" ва бошқа тижорат банкларининг хизмати беқиёс бўлмоқда. Улар орасида "Уй-жой ва шаҳар тараққиёти Давлат корпорацияси" аҳолига ипотека кредитини (жами кредиторларнинг 50 фоиздан ортиғи корпорациядан кредит олган) ажратиши бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Корпорация фаолиятининг асосий йўналиши кам даромадли оилаларга 15 йил муддатга қарз бериш ҳисобланишига қарамай, асосий кредиторлар ўртамиёна ва ундан кўпроқ даромадга эга фуқаролардир. Бозор иқтисодиёти шароитида молия муассасаларининг аксар қисми таваккал қилмаслик ва зарар кўрмаслик мақсадида кам даромадли оилаларга нисбатан ўртамиёна даромадга эга оилаларга кредит беришни афзал кўриши табиий ҳолдир. Шу сабабли ёрдамга муҳтож оилаларга уй масаласида молиявий кўмак бериш мақсадида қўшимча (донор) дастурлар ишлаб чиққан USAID, Asian Development Bank, Kfw - Germany каби ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Қизиғи шундаки, Ҳиндистонда энг зарур эҳтиёжлардан бири — яшаш жойларини инновацион усулда ва кам харажатни талаб этадиган кичик, йиғма уйчаларни барпо этиш одат тусига айланмоқда. Сўнгги пайтларда мамлакат бўйлаб ҳар бир фуқаро атиги 720 АҚШ доллари сарфлаб, 6 ой муддат ичида ўзига уй қуриши мумкин, деган фикр илгари сурилмоқда. Аниқроғи, қуриш эмас, балки болалар ўйинчоғи — конструктор сингари ўз қўллари билан ясаб, йиғиб олиши мумкин бўлган қурилмалардан фойдаланиш урфга айланган.

Айрим мутахассислар таъкидлашича, 8 миллионга яқин 6 ёш ва ундан катта ёшдаги болалар аввалроқ ота-оналари "барпо этган", маиший чиқиндилардан таркиб топган бошпаналарда яшашига тўғри келаётган, БМТ кузатувчилари таърифлаганидек, аҳолиси "қабул қилинган мезонларга тўғри келмайдиган шароит"да кун кечираётган мамлакатда ушбу кашфиётнинг татбиқ этилиши кўпгина муаммоларга барҳам беради.

Шу сабабли йиғма уйлар Ҳиндистондаги йирик саноат корхоналаридан бири — "Тата Групп" томонидан жуда кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши белгиланмоқда. Бу каби уйлар джут моддаси ва кокос дарахтидан олинган тахталардан тузилган бўлиб, уларнинг майдони 20 кв.м.ни ташкил этади. Замонавий эшик ва деразаларга эга мазкур қурилмадан 20 йил муддат фойдаланиш мумкин, дея баҳоланмоқда.

Курраи заминда инсон ва жамият бир маромда турмайди. У доимо ўзгаришга мойил ва мослашган. Инсонларнинг дунёқараши ва яшаш тарзи ўзгариши уларда кўплаб талаб ва эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Ушбу зарурат ва қизиқиш янгидан-янги кашфиёт, услубларни ишлаб чиқишга замин яратади. Бироқ ҳеч қачон унинг ўз уйига эга бўлишдек нияти ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу сабабли азалдан ҳар бир давлат ўз ички имконияти ва талаби, демографик кўрсаткич, ҳудудий майдон зичлигидан келиб чиқиб, уй-жой масаласини ўзига хос тарзда ижобий ҳал этишга интилиб келади.

Факт ва рақамлар, уй-жой билан таъминлаш борасида халқаро майдондаги мавжуд қийинчиликлар шукрона айтишга даъват этади. Негаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши анъана тусига айланиб қолган. Муҳими, қишлоқлардаги уй-жойларнинг барпо этилишида ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари инобатга олиниб, уларда тўлиқ коммунал қулайликлар яратилганлиги, уй атрофида тиббиёт муассасалари, мактаб, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, маиший хизмат уйлари каби муҳим инфратузилмаларнинг ҳам қурилиши халқимизнинг яшаш шароити ва стандартлари яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, узоқни кўзлаб олиб борилаётган стратегик ислоҳотлар натижасида айни пайтда оилаларнинг қарийб юз фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бирининг шахсий енгил автомобили бор, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган мутахассислар томонидан мамлакатимизда уй-жой қурилиши, ёшларнинг янги уй-жой билан таъминланиши масаласига ҳукумат томонидан қаратилаётган эътибор юқори баҳоланди. Бу, эса ўз навбатида, Ўзбекистон ўзи танлаган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори янада юксалаётганидан далолатдир.

**Саодат СОДИҚОВА,**
"Adolat" мухбири

## БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТИ

Нью-Йоркдаги Альберт Эйнштейн тиббиёт коллежи олимлари саратон ҳужайраларига радиоактив изотоплар юбориш учун фанда Listeria monocytogenes деб номланувчи бактериядан фойдаланишни таклиф этмоқда.



Мутахассислар Менделеев даврий жадвалидан ўрин олган рений (188Re) радиоактив изотопи антигенларга хос бўлган жисмларда мавжуд бўлишини аниқлашди. Шифокорлар радиоактив микроорганизмларни ошқозоности бези саратони билан касалланган сичқоннинг қон томирига жўнатишди.

Иньекциядан кейин бактериялар саратон ҳужайраларига шикаст етказиши ўз исботини топди. Бу муолажадан сўнг сичқонда иккиламчи ўсмалар 90 фоизга қисқарган.

## ЮПИТЕРДА СУВ МАНБАИ

Француз астрофизиклари 1994 йилда Юпитерга келиб урилган «Леви 9» номли комета планета стратосферасидаги мавжуд сув манбаини ташкил этишини таъкидлашмоқда.



Тадқиқотчиларнинг ушбу хулосаларига газ билан ўралган гигант сайёра стратосферасини "Гершель" космик телескопи ёрдамида олиб борилган кузатувлар натижаси сабаб бўлди. Маълумотлар 66.4 ва 179.5 микрометр тўлқин узунлиги бўйича инфрақизил диапазонда олинган. Кузатув ишларида телескопга ўрнатилган PACS ва HIFI рақамли спектрометрлардан фойдаланилди.

"Гершель" ёрдамида маълумотлар асосида тузилган Юпитер стратосферасидаги сув ҳавзаларининг харитаси шуни кўрсатмоқдаки, шимолий ярим шардагига нисбатан жанубий ярим шардаги сув миқдори кўпроқ. Астрофизикларнинг таъкидлашича, бундай номутаносибликдан шуни англаш мумкинки, 1994 йилда айнан жанубий ярим шарга келиб урилган "Леви 9" кометаси ушбу сув ҳавзаларининг асосий манбаидир.

«Леви 9» кометаси 1993 йил 24 мартда кашф қилинган бўлиб, унинг аввал планета гравитацияси оқибатида парчаланиб кетган фрагментлари Юпитер атмосферасига секундига 64 километр тезликда келиб урилган. Газ билан ўралган улкан сайёра атмосферасига катта ўлчамли кометанинг келиб урилиши Қуёш тизимида рўй берган осмон жисмларининг тўқнашуви сифатида қайд этилган ва бу тўқнашув астрономлар орасида "Газ гиганти" лақабини олган Юпитер сайёрасининг ўз орбитасидан четга бироз оғишига сабаб бўлган.

## ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ КЕСКИН ТАНҚИДИ

Жоржио Наполитанонинг иккинчи муддатга сайланиши Италия тарихида мисли кўрилмаган воқеа бўлди. Президент қасамёд қабул қилар экан, ўзини сайлаган сайловчиларни, яъни депутатларни кескин танқид остига олди. У мамлакат чуқур сиёсий инқироз исканжасида қолгани туфайли иккинчи муддатга сайланиш учун розилик берганини айтди ҳамда давлат олдида ечимини кутаётган ислоҳотларни амалга оширишда "кечириб бўлмас сусткашлик" қилган сиёсий партияларнинг раҳбарларини айбдор, деб эълон қилди.




Бу йил 87 ёшни қаршилаган Наполитано партиялар муносиб номзод топа олмагани боис иккинчи муддатга сайланган Италия тарихидаги илк президент бўлди. Парламент сайловлари ўтказилганига икки ой ўтганига қарамасдан, ҳалигача янги ҳукумат шакллантирилмаган. Президент парламент олдида сўзлаган нутқида сиёсий инқироз узоқ давом этмаслигини таъкидлаб, сиёсий партияларга янги ҳукуматни қисқа муддат ичида шакллантиришни тавсия қилди. Наполитано депутатларни халқ не-не орзу умидлар билан вакил сифатида сайлаганини унутиб қўяётганликларини афсус билан тилга олди.

Агар партиялар зудлик билан янги ҳукуматни шакллантирмаса, президент истеъфога чиқишини маълум қилди ва партиялар Марио Монтининг технократик кабинети даврида қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қола олмаганлигини эслатиб ўтди. Италияликлар сайлов тўғрисидаги қонуннинг эскиргани, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги ҳақида бир неча йиллардан бери ташаббус билан чиқаётган бўлсалар-да, парламент ушбу қонунга ўзгартириш киритиш масаласида амалда ҳеч қандай иш қилмаётганини президент алоҳида таъкидлади.

## ПОЧТАДАГИ АЛДОВ

АҚШ ҳукумати машҳур велосипедчи Лэнс Армстронгга қарши мамлакат почта хизматини алдагани сабабли даъво аризаси билан мурожаат қилмоқда.



Америка почтаси велосипедчининг допингдан фойдаланишидан бехабар ҳомийлик сифатида миллионлаб доллар маблағ сарфлаган. Аммо спортчининг адвокати унга сарфланган маблағлар эвазига почта ҳам катта фойда кўрганини таъкидламоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Лэнс Армстронг нуфузли халқаро мусобақа — «Тур де Франс» бўйича қўлга киритган барча унвонларидан маҳрум бўлиш билан бирга умрбод дисквалификация қилинган эди. АҚШ Антидопинг агентлиги раҳбари Трэвис Тайгарт эса машҳур велосипедчининг фитна қурбони бўлганини жон-жаҳди билан исботлашга уринмоқда.

## ЭНГ КАТТА РЕКЛАМА ШАРТНОМАСИ

Twitter микроблоглар хизмати Starcom MediaVest Group реклама агентлиги билан шартнома имзолади, дея хабар беради The Financial Times нашри. Газетанинг маълум қилишича, ушбу битим тарихда энг катта реклама шартномаси бўлди.

Тузилган шартноманинг умумий қиймати икки юз миллион долларни ташкил этмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, шартнома икки йил муддатга тузилган. Шартнома талабларига мувофиқ, Starcom MediaVest Group мижозлари (улар орасида Coca-Cola, Microsoft ва Procter & Gamble каби йирик компаниялар ҳам бор) Twitter порталидан имтиёзли реклама саҳифаларига, шунингдек маркетинг тадқиқотлар, реклама технологиялари ҳамда бошқа ахборотларга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу битим йирик америка телеканаллари реклама шартномаларини тузишидан бир неча ҳафта олдин имзоланган. Тахминларга кўра, Starcom MediaVest Group билан ҳамкорлик натижасида Twitter одамлар қачон телевизор томоша қилишларини ҳамда интернет ва мобиль қурилмаларидан фойдаланиш вақтини ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиши учун қулай имконият вужудга келади.

# Мустаҳкам пойдевор

**Болалар спорти**

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари учун етарли шарт-шароит яратишда янги босқични бошлаб бериши баробарида, мамлакатимиз спортининг юксак тараққиётига мустаҳкам замин ҳозирлашда ҳам муҳим дастуриламал вазифасини ўтаяпти.








Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Ўткир Нажмиддиновнинг таъкидлашича, мазкур фармонлар асосида 2003-2012 йиллар давомида жамғарма томонидан Бухоро вилоятида жами 79 та спорт иншоотлари ҳамда 10 та мусиқа ва санъат мактаблари қуриб фойдаланишга топширилган. Мазкур спорт иншоотларининг 13 таси янги спорт мажмуалари бўлса, 50 таси умумтаълим мактабларидаги спорт залларидир. Шунингдек, 2 та сузиш ҳавзаларини қайта таъмирлаш, 12 та бўш биноларни реконструкция қилиш, намунавий уй-жойлар қошида 2 та спорт майдончалари қуриш ишлари амалга оширилган. Ушбу бунёдкорлик ишларига жами 28 миллиард 857 миллион сўм маблағ сарфланган.

Жамғарма томонидан қурилган спорт иншоотларида 18 та спорт турлари бўйича 13996 нафар болалар мунтазам шуғулланишади. Бу ерда 311 нафар мураббийлар фаолият кўрсатмоқда.

Соҳага қаратилган бу каби эътибор натижасида вилоят ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораяпти. Айни пайтда вилоятдаги умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари орасидан 137736 нафари ёки 40,1 фоизи мунтазам спорт билан шуғулланиш имкониятига эга.

Албатта, спорт соҳасининг изчил тараққий этиши кўп жиҳатдан малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ. Ҳозирда воҳадаги мавжуд спорт иншоотларида 1233 нафар мураббий, мактаб олди спорт залларида эса 2097 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари иш олиб боришмоқда. Шунингдек, Бухоро давлат университети ва 7 та касб-ҳунар коллежларида жисмоний тарбия факультети ҳамда бўлимлар ташкил этилган. Ўтган йили олий ўқув юртларини тугатиб келган 114 нафар ёш соҳа мутахассисларининг барчаси ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилган. Бундан ташқари, 249 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари ва 61 нафар мураббийларнинг малакаси оширилган.

Амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли эзгу ишлар натижасида вилоят ёшлари ҳам жаҳон ареналарида ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Бу борада дзю-до бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишига муносиб ҳисса қўшган Акобир Тўраев, бадиий гимнастика бўйича қитъа мусобақалари ғолиблари Хусниябону Ғуломова, Сарвина Ҳолиқова, Замира Саноқулова, шашка бўйича кўплаб халқаро мусобақалар совриндорлари Гулсумбегим Алиева, Нигина Бозорова каби кўплаб ёшларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Жорий йилда жамғарманинг режалари, амалга ошираҗак ишлар кенг қамровли. Жумладан, ташкилотнинг манзилли қурилиш дастури асосида 2013 йилда 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, умумтаълим мактабларида 5 та спорт заллари, шаҳар марказида 11х25 метр ҳажмли ёпиқ сув ҳавзалари каби иншоотларни қуриш ҳамда уларни янги ўқув йилида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом ва комил инсон бўлиб етишишида катта ўрин тутиши ҳеч биримизга сир эмас. Тиббиёт мутахассислари томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, вилоятда болаларнинг турли касалликларга чалиниши даражаси ҳозирда 2011 йилга нисбатан 1,3 фоизга камайган. Спорт билан мунтазам шуғулланувчи болаларнинг бўйи 0,7, кўкрак қафасининг айланмаси 0,6 сантиметрга, оғирлиги эса 0,4 килограммга ошганлигини кўрсатмоқда.

Бу каби ижобий кўрсаткичлар жойларда болалар спортини ривожлантиришга, умуман, келажагимиз ворисларига қаратилаётган ҳар томонлама эътиборнинг самараси сифатида эътироф этишга арзигулик.

**Ҳамро ОҚИЛ,**
«Adolat» мухбири.
**Тоҳир ИСТАТОВ,**
ЎзА олган суратлар

**"Adolat"га жавоб берадилар**

Донишмандлардан бири "Ҳаддан ортиқ ишониш — кўплаб муаммоларга замин яратади", деган экан. Сурхондарё вилояти, Денов туманида яшовчи Эркин Шойимов томонидан таҳририятга ёзилган хат билан танишиб чиқар эканмиз, ушбу нақл нақадар ҳақиқат эканлигига амин бўламиз.

# Андишанинг оти қўрқоқми?

Гап шундаки, III гуруҳ ногирони Эркин ака фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялади, уларни қўлдан келганча қўллаб-қувватлади. Хусусан, қизи, набираси ва куёви тинч-тотув, аҳил яшашини хоҳлаб, уларга ўз хонадонидан бошпана, нон-туз ҳам берди.

Куёвига ёрдам бўлсин, деб отахон ўзига тегишли "Нексия" русумли автомашинасини вақтинча фойдаланишга топширди. Туппа-тузук киракашлик қилаётган куёви бир куни "Нексия"ни сотиб, ўрнига янгироқ бошқа автомашина харид қилиш ғоясини таклиф қилади.

Ҳамма ғавғо шундан кейин бошланади. Кўп ўтмай, куёви Сайфиддин эски "Нексия" ўрнига янгироқ "Матиз" русумли автомашина сотиб олганини айтади. Машина эгасидан қарзи қолгани, ундан қутулиш мақсадида бир оз муддат киракашлик қилишга тўғри келиши, шундан сўнг автомобилни қайнотасининг номига расмийлаштиришини маълум қилган куёв оиласи ва машинани олиб, қўшни тумандаги уйига равона бўлади.

Қизини туғилган куни билан табриклаш учун куёвникига борган она турмуш ўртоғига машинани уйда кўрмаганини билдиради. Эркин ака расмийлаштириш ишлари қачон амалга оширилишини аниқлаш мақсадида куёвига қўнғироқ қилганида, у акаси "Матиз"ни уриб олгани, таъмирлатиш учун устахонага берганини тан олади. Буниси етмагандек, ҳали қизи билан қонуний рўйхатдан ўтмаган "куёв" қайнотадан таъмир харажатларига пул сўрайди.

Шунда ҳам қизининг тинчлигини ўйлаб, автомашинани расмийлаштириш жараёнини тезроқ якунига етказиш мақсадида Эркин ака куёвига 200 АҚШ доллари миқдорида пул беради. Бироқ "бер-бер"и шу билангина тугаб қолмай, пул сўрашга одатланган "куёв" ҳали "таъмирга", "давлат рақамига", ҳали "техпаспортга" деб қайнотани чув туширади.

Хуллас, вазият янада чигаллашиб боради ва оқибатда на машина, на куёвни топиб бўлади. Бу орада ота фирибгарнинг тузоғига лаққа тушганини, энг ёмони, ўз қизи тақдирини расмий никоҳсиз яшаётган бетайин кишининг қўлига ишониб топширганини англаб, фарзанди ҳамда набирасини уйига қайтариб олиб келади.

"Мен жамиятимизда қилни қирқ ёра оладиган, ҳақиқатни юзага чиқарадиган ҳуқуқ ҳимоячилари борлигига ишонаман, қолаверса, Сиз ҳурматли таҳририят жамоаси рўй бераётган ушбу ноҳақликка бефарқ қарамайсизлар, деган умиддаман", дейилади бизга келган хатда.

Албатта, муаммонинг каттакичиги бўлмаганидек, ҳар бир инсонни ўзи сингари оққўнгил, диёнатли, виждонли деб ҳисоблаган, аммо инсофсиз кимсалардан алданган содда фуқарога ачинмасликнинг иложи йўқ.

Хўш, энди фуқаро нима қилиши керак, нима қилса, айбдор ўз жазосини олади каби саволларга жавоб олиш, мурожаатчига ҳуқуқий ёрдам, маслаҳат бериш мақсадида Сурхондарё вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилдик. Таҳририятимизга қуйидаги мазмунда жавоб келди:

*"Фуқаро Э.Шойимов куёви Сайфиддиннинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасига ёзган шикояти юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.*

*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши белгиланган.*

*Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 345-моддасида жиноят ишининг терговга тегишлилиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра Жиноят кодексининг фирибгарлик жиноятига оид ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг масъул ходимлари томонидан олиб борилиши кўрсатилган.*

*Юқоридагиларга кўра, фуқарога Сайфиддин исмли шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ички ишлар идораларига мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди".*

Биргина ушбу ҳодиса мисолида таъкидлаш лозимки, ҳаётимизда бу каби ҳолатлар жуда кўплаб учраб тураётгани ачинарлидир. Халқимизнинг қариндош-уруғ, таниш-билишдан андиша қилиб, уларнинг гап-сўзи, ваъдасига ишониб иш юритиши, яъни фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келади.

Демак, амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этиш, фақатгина қонун устуворлигини тан олиш юқоридаги ва шу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

**Саодат СОДИҚОВА,**
"Adolat" мухбири

# "Такси!.. лицензиянгиз борми?.."

**Қонун барчага баробар**

Бугунги кунда йўлларимизда давлат транспорти воситалари билан бир қаторда шахсий автомашиналарида аҳолига хизмат кўрсатаётган ҳайдовчилар ҳам талайгина. Улар қандай ишлаяпти, бу борада мамлакатимизда жорий этилгин қарор-кўрсатмаларга бирдек амал қилишаяптими?



Йўловчи ташиш билан шуғулланаётганлар ўз фаолиятларини Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги қарори билан тасдиқланган «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомига мувофиқ равишда амалга оширишлари лозим. Лекин «шоли курмаксиз бўлмайди» деганларидек, ҳайдовчилар орасида юқоридаги қарор талабларига риоя қилмаётганлар учраб турибди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили тегишли идора вакиллари билан 60 маротаба ўтказилган рейд тадбирларида 103 та қонунбузиш ҳолатлари қайд этилиб, ҳуқуқбузарлардан 39 млн. 500 минг сўм миқдорида жарима ундирилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 маротаба ўтказилган рейд тадбирлари давомида эса 14 та қонунбузиш ҳолати аниқланди, қоидабузарлар суд томонидан 4 млн. 900 минг сўм миқдорида жарима жазосига тортилди.

...Косонсой шаҳрида яшовчи, 1985 йилда туғилган фуқаро Абдураззоқ Юлдашев бошқарувидаги давлат рақами 50 А 179 DA русумли "Дамас" автомашинасида ҳайдовчининг тегишли ҳужжатларисиз, лицензиясиз, йўл варақасисиз ҳамда юридик шахс билан шартнома тузмасдан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб юрганлиги аён бўлди.

Шунингдек, Косонсой тумани, Чиндовул қишлоқ фуқаролар йиғини, Чиндовул маҳалласида яшовчи, 1991 йилда туғилган фуқаро Нозимжон Олимжонов ижарага олган «Дамас» русумли, 50 F 243 CA давлат белгили автомашинани аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги қарор ва кўрсатмаларга бўйсунмасдан ишлаётган маҳал ходимларимиз томонидан ушланди.

Бундан ташқари, Косонсой тумани, Тергачи қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, 1968 йилда туғилган фуқаро Абдураҳмон Хусанов бошқарувида бўлган "Дамас" русумли, 50 О 160 АА давлат белгили автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз аҳолига пуллик хизмати кўрсатганлиги аниқланиб, суд томонидан маъмурий жарима қўлланилди.

Янгиқўрғон тумани, "Зарбдор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 1977 йилда туғилган фуқаро Котибжон Ботиров ҳам бошқарувида бўлган "Дамас" русумли, 50 V 305 DA давлат белгили автомашинасида тегишли ҳужжатларсиз аҳолига пуллик хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб, бир йил мобайнида иккинчи маротаба йўл варақасисиз ҳамда юридик шахс билан шартнома тузмасдан юргани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар СВОЖЖДЛҚК Департаменти Косонсой туман бўлимига юборилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Лицензиясиз, яъни тегишли ҳужжатларсиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1763-моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳаракат фуқароларга энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 50 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Дарвоқе, яна бир гап. Айрим фуқаролар белгиланган жазодан тўғри хулоса чиқармай таккрор шундай қонунбузарлик қилмоқдалар. Албатта, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси билан жавобгарликка тортиладилар. Қонун тили билан айтганда "Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади".

Қонун барчага баробар. Унга бўйсуниш ҳамманинг бурчи. Жумладан, транспорт ҳайдовчилари ҳам буни унутмасликлари лозим.

**Саидмаҳмуд МАҲМУДОВ,**
Косонсой туман ДСИ
бошлиғининг ўринбосари

# Йўлми бу...

**Фотодалил**

Сиз суратда кўриб турган кўча чекка ва овлоқ бир гўшада эмас, пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 7-мавзеда жойлашган. Кўчада транспорт гавжум: 8, 39, 59-йўналишларидаги автобуслар, 81-йўловчи ташувчи микроавтобуслар тинмай қатнаб туради.



Йўлнинг бу аҳволга тушганига неча-неча йиллар бўлди. Аммо ўтган давр мобайнида бирон марта бўлсин таъмирланмади. Мутасаддилар эса ҳамон жим. Балки уларнинг хизмат машиналари бу йўлдан юрмас...

Кейинги пайтларда Тошкент кўчаларининг аксарият қисми одам ҳавас қиладиган даражада таъмирланди. Аммо улар орасида ҳайдовчилар "машинанинг жонини суғуриб олади...", деб таърифлайдиган мана бундай "ўгай" кўчаларнинг ҳам учраб қолаётгани кишини ажаблантиради.

Хўш, бу ўнқир-чўнқир йўл қачон текис бўлади? Биз бу саволга мутасадди ташкилотлардан жавоб кутамиз.

**Ҳусан АСРОРОВ**

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146); Маънавият ва маданият бўлими ***288-46-64*** (151),
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.ҚЎЛДОШЕВ. **Навбатчи** — Ғ.ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 400. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 13444
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.15
1 2 3 4 5